



МАХСУС РЕНТА СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

PhD Джулибеков Нурмат

“Навоий кон-металлургия комбинати”

акциядорлик жамияти

ORCID: 0009-0001-5039-0102

nk.djulibekov@ngmk.uz

Аннотация. Мақолада фойдали қазилмалар, ер ости ресурслари ва стратегик табиий бойликлардан фойдаланганлик учун жорий этиладиган махсус рента солиғининг ҳисоблаш механизмлари келтирилган ва бюджет барқарорлиги ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишдаги аҳамияти ёритилган. Шу билан бирга, ҳозирги амалиётдаги муаммолар, жумладан ҳисоб-китобнинг шаффофлиги, рента миқдорини аниқлашда қийинчиликлар ва солиқ маъмуриятининг салоҳияти камлиги каби масалалар кўтарилади. Ишда халқаро тажриба – хусусан, Чили, Австралия, АҚШ, Қозоғистон ва шу каби ресурсга бой мамлакатлардаги рента солиғи моделлари таҳлил қилинган. Тадқиқот натижасида Ўзбекистон шароитида махсус рента солиғини ҳисоблаш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари тавсия этилган.

Калит сўзлар: махсус рента солиғи, солиқ, имтиёз, унификация, тадбиркор, солиқ механизми, солиққа тортиш, ресурс, бюджет, табиий бойликлар.

МЕХАНИЗМЫ РАСЧЕТА СПЕЦИАЛЬНОГО РЕНТНОГО НАЛОГА И ВАЖНОСТЬ ИХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

PhD Джулибеков Нурмат

Акционерное общество

«Навоийский горно-металлургический комбинат»

Аннотация. В статье представлены механизмы расчета специального рентного налога, введенного за пользование полезными ископаемыми, недрами и стратегическими природными ресурсами, и подчеркивается его значение для бюджетной стабильности и эффективного использования природных ресурсов. При этом поднимаются вопросы современной практики, включая прозрачность расчетов, сложности определения размера ренты и недостаточный потенциал налогового администрирования. В работе анализируется международный опыт, в частности, модели рентного налога в богатых природными ресурсами странах, таких как Чили, Австралия, США, Казахстан и других. В результате исследования рекомендованы направления совершенствования механизмов расчета специального рентного налога в условиях Узбекистана.

Ключевые слова: специальный рентный налог, налог, льгота, унификация, предприниматель, налоговый механизм, налогообложение, ресурс, бюджет, природные ресурсы.

SPECIAL RENT TAX CALCULATION MECHANISMS AND THE IMPORTANCE OF ITS IMPROVEMENT

PhD **Dzhulibekov Nurmat**

Joint-Stock Company "Navoi Mining and Metallurgical Combine"

Abstract. The article presents the calculation mechanisms of the special rent tax introduced for the use of minerals, subsoil resources and strategic natural resources, and highlights its importance for budget stability and the effective use of natural resources. At the same time, it raises issues of current practice, including the transparency of calculations, difficulties in determining the amount of rent, and the lack of capacity of the tax administration. The work analyzes international experience - in particular, models of rent tax in resource-rich countries such as Chile, Australia, the USA, Kazakhstan, and others. As a result of the study, directions for improving the calculation mechanisms of the special rent tax in the conditions of Uzbekistan are recommended.

Keywords: special rent tax, tax, privilege, unification, entrepreneur, tax mechanism, taxation, resource, budget, natural resources.

Кириш.

Мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, жумладан, солиқ юкини камайтириш, солиқларни унификация қилиш ва солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш ва уларни ҳуқуқий эркинлигини ошириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг юқори, барқарор ва мувозанатлашган суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик тенденциялари мустаҳкамланаётгани, иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш бўйича узоқ муддатли масалаларни ҳал этишда ижобий силжишлар таъминланланаётгани алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Республикаимизда тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароит яратиш, тадбиркорликка оид қонунчиликни такомиллаштириш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Пировард натижада бюджетга белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилишига, солиқ қарзининг кескин қисқартирилишига ва тушумларнинг олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада ўсишига эришилмоқда.

Амалдаги солиқ кодексида намунали, инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритаётганларнинг қонуний ишлаши учун шарт-шароит яратишга хизмат қиладиган нормалар ўз аксини топди. Бундан кўзланган мақсад фуқаролар солиқдан кочиш эмас, балки уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлишига эришишдир. Айнан ушбу жиҳатларни инобатга олган ҳолда янги солиқ тизимини яратишнинг асосий ғояси тенглик, соддалик, адолатлик аниқлик ва самарадорлик каби асосий принципларга асосланди.

Адабиётлар шарҳи.

Махсус рента солиғини ҳисоблаш механизмлари борасида хорижий олимлардан Mick Мооге тадқиқот ишларида "Ресурс ренталарини самарали йиғиш учун кучли институционал салоҳият ва аниқ солиқ қоидалари зарур" тушунчасига изоҳлар

келтириб ўтган.¹ Шу билан бир қаторда Mick Moore рента солиғини ундиришда салоҳиятли кадрлар ва солиққа тортиш механизмини такомиллаштириб бориш кераклиги илмий асослаб берган.

Bård Misund ва унинг ҳамкорлари ўз тадқиқот ишларида “Самарали рента солиғи инвестицияларга салбий таъсир қилмаслиги учун солиқ механизмлари инвестиция нейтраллигини сақлаши лозим”² лиги ҳақида фикр билдирилган. Чернявский (2010) ва Н.Б.Ашуровалар³ томонидан эса, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа тортиш механизми ва унинг ҳуқуқий асослари ҳамда ер ости бойликларидан самарали фойдаланиш йўналишлари тадқиқот ишларида келтириб ўтганлар.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг ер қаъридан фойдаланувчиларни солиққа тортиш ва рента солиғининг маҳаллий амалиёт ва хорижий далаатлар тажрибалари масалалари бўйича изланишлари, олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбатлар, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда ҳулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзуни ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимизда 2022 йилдан бошлаб табиий ресурсларни қазиб олиш учун махсус рента солиғи жорий этилди. Рента солиғи учун солиққа тортиш объекти Солиқ кодексининг 454-3-моддасида белгиланадиган қазилмаларни сотишдан олинган рента даромади ҳисобланади.

Мазкур моддада белгиланган тартибда аниқланадиган, қазиб олинган (ажратиб олинган) металлни ёки углеводород хомашёсини реализация қилишдан олинган рента даромади фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғини солиш объектидир, деб белгиланган.

Қазиб олинган (ажратиб олинган) металларни ёки углеводород хомашёсини реализация қилишдан олинган, Солиқ кодексининг 176-моддаси талаблари ҳисобга олинган ҳолда баҳога қўшилган қиймат солиғини ва акциз солиғини киритмай аниқланадиган, битим тарафлари томонидан қўлланилган баҳодан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган даромадлар ҳамда уларни қазиб олиш (ажратиб олиш) билан бевосита боғлиқ харажатлар ўртасидаги фарқ рента даромади деб эътироф этилади, дейилган.

Солиқ кодексида қабул қилинган ёндашув, яъни рента солиғи сотишдан тушган даромад ва ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарққа асосланади, рентабеллик даражаси ҳисобга олинмайди ва қимматбаҳо металлар нархининг пасайиши ёки бошқа объектив сабаблар (руданинг жойлашуви, ташиш масофаси)га кўра харажатларнинг ошиши ҳолатларида ишлаб чиқарувчининг мавқеи ёмонлашишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 295-моддасида солиқ тўловчи томонидан олинган фойда солиғи бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланади, деб қўрсатилган. Ушбу модданинг 2-қисмида жами даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ

¹ <https://opendocs.ids.ac.uk/opendocs/handle>.

² <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/23311975.2025.2450288>.

³ <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekiston-respublikasi-soli-siyosati-va-soli-so-asidagi-izhtimoiy-amkorlikni-amalga-oshirish-y-nalishlari>.

фойда деб эътироф этилади, дейилган.

Амалда фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда жами даромад ва харажатлар таркибида рента солиғини ҳисоблаш учун янги конлардан олинган даромадлар ва ушбу конлардан металлни қазиб олиш билан бевосита боғлиқ харажатлар акс эттирилган. Бинобарин, бутун корхона бўйича олинган жами даромад ва харажатлар таркибида олдиндан қазиб ишлари олиб борилаётган эски конлар ва қазиб ишлари бошланган янги конлардан олинган даромад ва харажатлар суммалари мавжуд.

Чунончи, корхона бўйича жами даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқдан фойда солиғи ҳисоблаш билан бир қаторда, худди ўша даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқдан махсус рента солиғи ҳам ҳисоблаб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, “НКМК” АЖ томонидан 2022-2024 йиллар якунига кўра олинган рента даромадидан бир вақтнинг ўзида 25 фоизлик ставкада махсус рента солиғи ва худди ўша даромад суммасидан 50 фоизлик ставкада фойда солиғи ҳисобланиб, бюджетга тўланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2022 йилда солиқ юки 58,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2024 йилга келиб ушбу кўрсаткич 61,0 фоизни ташкил қилиб, 2,1 фоизга ошган.

Бу кон-металлургия саноати корхоналари учун қўшимча солиқ юкини келтириб чиқаради, натижада эса кон-металлургия саноати корхоналарини, жумладан, хорижий рақобатчилар билан солиштирганда, анча ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин.

Австралия, Папуа-Янги Гвинея, Гана ва Чили каби бошқа мамлакатларда ҳам худди шундай солиқларни жорий этиш ва қўллаш амалиёти ўрганиб чиқилди. Шуни таъкидлаш жоизки, бу мамлакатларда рента солиғи ортиқча фойда деб аталадиган фойда учун қўлланилади. Бу шуни англатадики, солиқ солинадиган базадан маълум даромад (фойда) ставкаси чегириб ташланади ва фойданинг фақат операцион ва капитал харажатлардан, шунингдек, стандарт даромад ставкасидан ошадиган қисми солиққа тортилади.

Хусусан, Австралияда ортиқча даромадларга 22,5% солиқ солинади, даромадлилик ставкаси 7%, плюс давлат облигациялари ставкаси.

Папуа-Янги Гвинеяда ва Ганада ўзгарувчан солиқ ставкалари бўйича ортиқча фойда солиққа тортилади.

Чилида фойдали қазилмаларни қазиб олиш солиғи мавжуд бўлиб, у ҳам маълум даромад даражаси ва барча ишлаб чиқариш харажатларини чегириб ташлаш шarti билан ортиқча фойдага асосланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қимматбаҳо металллар (олтин, кумуш ва ҳ.к.з) ишлаб чиқарувчи АҚШ, Россия, Канада ва Қозоғистон каби мамлакатларда корпоратив фойда солиғи билан бир қаторда фақат ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ амал қилади. Ушбу мамлакатларда махсус рента солиғи жорий қилинмаган.

Ўзбекистонда фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхоналар 2023 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишларга кўра, қимматбаҳо, рангли ва радиоактив металллар, нодир металллар (фойдали қазилмалар)ни қазиб олувчи корхоналар икки йил ичида махсус рента солиғидан озод қилинди.

Бинобарин, Солиқ кодексида белгиланган махсус рента солиғи бўйича кўрсатилган қоидалар 2024 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабргача қазиб олишни бошлайдиган компанияларга нисбатан қўлланилмаслиги белгилаб қўйилди, яъни ушбу даврда ўз фаолиятини бошлаган компаниялар умрбод махсус рента солиғи тўлашдан озод этилди.

Мазкур имтиёзни вақтинчалик қилиш ва уни чексиз муддатга фақат айрим компаниялар учун қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, яъни ушбу механизм компаниялар ўртасидаги рақобат муҳитини бузади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2020-2024 йилларда тўланган солиқлар тўғрисида маълумот

т/р	Солиқ ва мажбурий тўловлар	2020			2021			2022			2023			2024		
		Республика бўйича	ш.ж. НКМК ДК	улуши %	Республика бўйича	ш.ж. НКМК АЖ	улуши %	Республика бўйича	ш.ж. НКМК АЖ	улуши %	Республика бўйича	ш.ж. НКМК АЖ	улуши %	Республика бўйича	ш.ж. НКМК АЖ	улуши %
	Жами солиқлар	132,938.1	31,170.4	23.4	164,799.0	36,201.0	22.0	202,043.0	33,079.9	16.4	231,720.7	38,606.2	16.7	274,422.7	57,453.0	20.9
	<i>шу жумладан:</i>															
1	Қўшилган қиймат солиғи (НДС)	31,177.4	125.9	0.4	38,439.0	1.5	0.0	52,189.0	12.3	0.0	57,885.3	10.1	0.0	65,043.0	0.4	0.0
2	Акциз солиғи	11,697.3	-	-	13,088.0	-	-	13,455.0	0.2	0.0	15,834.4	0.2	0.0	17,764.5	0.2	0.0
3	Фойда солиғи (прибыль)	28,712.2	13,395.5	46.7	38,363.0	16,360.0	42.6	37,650.0	10,976.3	29.2	40,778.9	15,570.5	38.2	52,663.5	23,760.7	45.1
4	Ишчи-хизматчилар иш ҳақидан даромад солиғи	15,140.8	394.4	2.6	18,918.0	464.6	2.5	24,285.0	553.2	2.3	29,917.4	653.5	2.2	35,391.4	780.1	2.2
5	Мол-мулк солиғи	1,240.8	79.3	6.4	2,457.0	97.4	4.0	4,015.0	130.6	3.3	5,097.7	148.7	2.9	6,804.7	164.7	2.4
6	Ер солиғи	1,306.8	23.9	1.8	4,083.0	75.5	1.8	5,306.0	63.1	1.2	6,890.1	73.0	1.1	8,215.6	95.7	1.2
7	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	478.8	48.2	10.1	684.0	57.7	8.4	704.0	67.9	9.6	791.4	58.2	7.4	1,172.7	74.4	6.3
8	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	16,417.1	9,378.8	57.1	15,812.0	8,198.2	51.8	13,887.0	5,680.2	40.9	15,300.3	6,221.4	40.7	20,169.6	8,866.8	44.0
9	Махсус рента солиғи							282.8	282.8	100.0	315.5	315.5	100.0	1,485.8	1,485.8	100.0
10	Дивиденд солиғи		7,719.4			10,479.0		15,322.7	15,322.7	100.0	14,411.6	14,411.6	100.0	30,213.0	22,115.0	73.2
11	Импорт бўйича божхона божи	3,553.7		-	4,765.0			5,746.0		-	9,606.1		-			-
12	Айрим турдаги маҳсулотлар билан савдо қилиш учун йиғим													1,448.4		
13	Бошқа солиқлар, шундан	23,213.2	5.0	0.0	28,190.0	467.1	1.7	29,200.5	273.4	0.9	34,892.0	1,143.5	3.3	34,050.4	109.2	0.3

Манба: ДСҚ маълумотлари асосида тузилган.

Икки йил аввал ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари (газ, нефть, олтин ва бошқаларни қазиб олиш учун) пасайтирилган эди, чунки ўшанда махсус рента солиғи жорий этилганда умумий солиқ базаси ўзгармаслигини ва солиқ тушумлари ошиши назарда тутилган эди. Шунингдек, ушбу солиқнинг жорий қилиниши Солиқ кодексининг 10-моддаси “Адолатлилик принципи”га ҳам мос келмайди. Чунончи, мазкур моддада мулкнинг шаклига, жисмоний шахсларнинг фуқаролигига ёки капиталнинг келиб чиқиш мамлакатига қараб фарқланган солиқ ставкаларини, солиқ имтиёзларини ёки бошқа афзалликларни белгилашга йўл қўйилмайди, деб кўрсатилган.

Таъкидлаш жоизки, 2022-2025 йиллар давомида Республикада фақат “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ томонидан бюджетга махсус рента солиғи тўлаб келинмоқда, 2022 йилда бюджетга 282,8 млрд.сўм тўланган бўлса, 2024 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1485,8 млрд.сўмни ташкил қилган ёки биргина шу солиқ туридан солиқ юки 5,2 бараварга кўпайган (*маълумот учун: 2025 йилнинг январь-июнь ойларида 2241,0 млрд.сўм тўланган*).

Ушбу солиқ турининг амалиётга жорий қилиниши кон металлургия саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг ошишига олиб келади, шунингдек, соғлом рақобат муҳитини шаклланишига ва инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, махсус рента солиғини бекор қилишни қуйидаги асосларга кўра мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, ушбу солиқнинг жорий қилиниши Солиқ кодексининг “Адолатлилик принципи”га мос келмайди, мулкнинг шаклига қараб фарқланган солиқ ставкаларини белгилаш мумкин эмас.

Иккинчидан, корхона бўйича даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқдан фойда солиғи ҳисоблаш билан бир қаторда, худди ўша даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқдан махсус рента солиғи ҳам ҳисоблаб келинмоқда.

Учинчидан, мамлакатимизда фақат “НКМК” АЖ томонидан қимматбаҳо металллар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ билан бир вақтда махсус рента солиғи ҳам тўлаб келинмоқда. Бу эса корхона учун солиқ юкининг ошишига олиб келмоқда.

Тўртинчидан, махсус рента солиғининг тўланиши корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг ошишига олиб келмоқда ва соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бешинчидан, мазкур солиқ турининг фақат “НКМК” АЖ учун амал қилаётганлиги чет эллик инвесторларда хавотир пайдо бўлиб, хорижий сармояларни жалб этишга жиддий тўсқинлик қилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган таклифнинг амалдаги Солиқ кодексига киритилиши ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳамда махсус рента солиғи тўловчи кон-металлургия саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг пасайишига, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши таъминланишига, шунингдек, солиқ юкининг сезиларли даражада камайишига ҳамда чет эл хорижий компанияларининг сармоя киритилишига замин яратади.

Adabiyotlar /Lumepamya/Reference:

Kanwer, B., Rambabu, B., Chheda, K., Mohan, C. R., Ashurova, N., & Chouhan, K. (2025). Data-Driven Marketing for Promoting AI-Enhanced Vehicle Safety Features. In V. Vyas, X. Bi, D. Pandey, Z. Xu, & B. Pandey (Eds.), *AI's Role in Enhanced Automotive Safety* (pp. 47-60). IGI Global Scientific Publishing. <https://doi.org/10.4018/979-8-3373-0442-7.ch004>

Ашурова Н.Б. (2012) Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва солиқ соҳасидаги ижтимоий ҳамкорликни амалга ошириш йўналишлари // Экономика и финансы (Узбекистан). №11. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekiston-respublikasi-soli-siyosati-va-soli-so-asidagi-izhtimoiy-amkorlikni-amalga-oshirish-y-nalishlari>.

Ашурова, Н. Б., Очилов, А. О., Чекулаева, К., & Худояров, А. А. о. (2025). Зеленая экономика и устойчивое развитие: эффективность внедрения корпоративной социальной ответственности. В центре экономики, 6(1). извлечено от <https://vcec.ru/index.php/vcec/article/view/133>

Гадоев, Э. Ф., Кузиева, Н. Р., & Ашурова, Н. Б. (2013). Солиқ сиёсати стратегияси.

Гадоев, Э. Ф., Кузиева, Н. Р., Ашурова, Н. Б., & Ўрмонов, Ж. Ж. (2013). Юридик шахсларни солиққа тортиш. Т.:«Iqtisod-moliya».

Джулибеков Н.Қ., Ашурова Н.Б. (2021) Кон-металлургия саноати корхоналарини солиққа тортиш механизми: ҳалқаро амалиёт ва тажриба. *О'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi* 1. 44-46-бет.

Чернявский В.С. (2010) Совершенствование методики расчета и механизма изъятия горной ренты: на примере нефтедобывающей отрасли России: диссертация ... кандидата экономических наук : 08.00.05 / Чернявский Владимир Сергеевич; [Место защиты: Гос. ун-т упр.]. –Москва, - 129 с.: ил. РГБ ОД, 61 11-8/686.